

8 июн 2022 йил

Даңгара тумани

Даңгара туман ободонлаштириши бошкармаси(кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низоминга асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Холмирзаев бир тарафдан ва Даңгара туман йўллардан фойдаланиш учтар корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори З.Назиров иккинчи тарафдан, ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар хисобидан ички йулларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1.ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки боз режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аникигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. Ташаббусли бюджет доирасида ажратилган маблаглар хисобидан жорий таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" топширигига асосан Даңгара туман Мангит МФЙ Мангит кишлоғини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича "Пудратчи" томонидан бажариладиган ишлар барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 780 000 000 (етти юз саксон миллион) сўмни ташкил этгани холда жорий таъмир ишларини бажарилишини амалга оширади.

3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- зарур холларда айrim иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланиши, белгиланган сифат лабораторияси хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофик топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг окибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулик мулкий жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг

кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз хисобидан кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан кониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вактида лойиха-смета хужжатлари билан таъминлайди;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган "Пудратчи" томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва микдорда "Пудратчи"га хак тўлайди;

- "Пудратчи"нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикади.

6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг хисоб ракамига шартномада кўрсатилган кийматнинг 30%гача микдорида 2-иловага асосан аванс маблагини ўтказади.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 65% микдорида амалга оширилади.5 фонзлик объект кафолат муддати тугагандан сўнг молиялаштирилади.

6.3. "Пудратчи"нинг бошка харажатлари лойиха-смета хужжатларида кўрсатилган бошкагаражатлар кийматидан ошмаган холда тўловгага кабул килинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" курилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номидан бажарилаётгани ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошка шартлашувни шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мафор холатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал кылган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бирни шартнома бескор килинишини талаб килишга хаклиди.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1."Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

9.2."Пудратчи";

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчилик ва нуксонларни ўз вактида бартараф килиши;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди, объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларниң кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камнида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуксон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда "Буюртмачи" томонидан 5%ли кафолат суммасини "Пудратчи"дан ушлаб колиш хукукига эга.

9.5. "Пудратчи" нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктиносий судига мурожаат килишдан истиносо этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрстаилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганини, объект хисоб ракамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганини ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняниң умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаринишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йўл курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекцияси»нинг хulosasi асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортishi, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 100% гача микдорида жарима ундириш хукукига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаринша ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида, белгиланган тартибда Иктиносий Суд томонидан кўриб чикилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;-ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айни билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажаринш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайнишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

12.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор килингандар тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА КЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кўшимча ва ўзгарттиришлар ёзма равища расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор килингандар тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Газначилик Бошкармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал килади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

14.3. Мазкур шартномага кўйидагилар илова килинади:

- 1-илова - Бажариш жадвали.
- 2-илова - Молиялаштириш жадвали.

15. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцига карши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан конунга хилоф равища пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги хакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи етказиб берувчичи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради.

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар кандай вакт ва шаклда кўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва руҳсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши. конунчилик жараённи ва бошка соҳаларда конунга хилоф равища тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сактаб колиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равища олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинонӣ фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига ноконуний тус бериш, бундай пул маблагларни ёки бошка

мол- мулкниг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулинни, пул маблагларнига ёки бошка мол-мулкка бўлган хакикий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор килиши шарт.

5. Тарафлар Махсулотлар, хизмат ва ишларни реализация килиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб бориша, лицензия, руҳсатномалар ва бошка руҳсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи етказиб берувчичилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошка вакилларга) ниебатан кўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий харакатларга пул кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз

муносабатда бўлиши шартлиги хакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чикариш зарурати доирасидан келиб чикиб ишга жалб килиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хак миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги холатлари хакида хабар берилганилиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул кўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хакда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чикиш натижалари хакида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга хамда заарии тўлик коплаб беришни талаб килишга хакли.

15. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЮРТМАЧИ”

Дангарा туман Ободонлаштириш бошкармаси

Манзил: Дангарा тумани Чинобод кишлоғи

Тел./факс: +99890-362 92 66

ШФХ: 401722860302367065200110008

ИНН:206 940 997

Дангарा туман Газначилик булинмаси

ЯГХ: 23 402 000 300 100 001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122919

“ПУДРАТЧИ”

Дангарा туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Дангарा шаҳарчаси Саноат кучаси

Тел./факс: 73-572-11-66

х/р: 2262 6000 3002 1156 7004


МФО: 00545

ИНН: 200 166 175


Банк номи: Миллий банк Қўкон филиали

ОКОНХ:42110



 М.Холмирзаев



 З.Назиров



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel. (998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara.l-yurmarkaz@adliya.uz

"8" iyun 2022 yil.

Dang'ara tumani
Obodonlashtirish boshqarmasiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA.

1. Loyihaning turi:

XO'JALIK SHARTNOMASI.

2. Loyihaning nomi:

Pudrat shartnomasi

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va amaldagi qonunlari, O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasining Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rGANildi.

Shartnoma loyihasiga asosan pudratchi Dang'ra tuman Yo'llardan foydalanish unitary korxonasi, buyurtmachi esa Dang'ara tumani Obodonlashtirish boshqarmasi shartnomaning taraflari bo'lib hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 13-moddasiga asosan yuqoridagi loyiha taraflar tomonidan imzolanib qonuniy kuchga kirgandan so'ng 2022 yil 31 dekabrga qadarli amal qilish belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 7-

moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma loyihasi bo'yicha Dang'ra tuman Yo'llardan foydalanish unitary korxonasi tomonidan umumiy qiymati 780 000 000 so'mlik xizmatlarni bajarish hamda buyurtmachi Dang'ara tuman Obodonlashtirish boshqarmasi ushbu ishlarni qabul qilish va o'z vaqtida to'lovni amalga oshirish majburiyatini olgan.

O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 25-moddasiga asosan yuqoridagi shartnoma bo'yicha taraflarning tovarlarni etkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborganlik, to'liq etkazib bermaganlik, ishlarni bajarmaganlik yoki xizmat ko'rsatmaganlik uchun javobgarlik qonunga asosan belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2021 yil 14-sentyabrdagi PF-6313-son Farmonida 2022 yil 1-yanvardan xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi va Savdo-sanoat palatasining 2021 yil 12 noyabrdagi 1/4671, 01-19/7284,7/01-08-9544-son qarori bilan Xo'jalik yurituvchi subektlar tomonidan shartnomalar tuzishda qo'llash uchun tavsiyaviy xarakterga ega bo'lgan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar yuqoridagi shartnomaga qo'shimcha ravishda kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-son qarori va O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunining 21-moddasiga asosan hulosa shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvechi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan, taraflarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvechi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodaksi, amaldagi qonunlari va O'zbekiston Respublikasining Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solingan, shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

**Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti:**



E.Y.Baymatov



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DANG'ARA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" Unitar korxona

(Узбекистон Республикаси, Ўзбекистон туманинг ўзбекистон тадбиркорлик саломатларини о'згартриш) - Тадбиркорлик саломатларини о'згартриш

"DANG'ARA TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" UK

(Узбекистон Республикаси, Ўзбекистон туманинг ўзбекистон тадбиркорлик саломатларини о'згартриш)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlari o'zgartirish)

22.02.2007

1354

ro'yhat raqami yozuv kuzilganligi tasdiqlanadi

(Саноат, соф (софтил), ой (оидиот))

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200166175

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Unitar korxona

Farg'onha viloyati, Dang'ara tumani, Dang'ara tumanining shaharchalari,
Sanoat ko'chasi, , 14 A-UY

Joylashgan joyi:
Guvochnoma:


Farg'onha viloyati, Dang'ara tumani, YAGONA DARCHA

temonidan

MARKAZI

berilgan

(Номи бўйича тадбиркорлик саломатларини о'згартриш)



GUVOHNOMA